

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 68 (10.373)

2005 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*сатрларда*

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Кўйлик бўсом бозори» ошқ турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан шифокорлар иштирокида уюштирилган тадбир Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги 105, 235, 87-мактабларда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «ОИТС—умр заволи» мавзусида ўтказилган ўқув семинари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Хар бир она ва болани эътиборсиз қолдирмаймиз» шiori остида матбуот анжумани ўтказилди.

● **КЕЧА** Республика «Соғлом авлод учун» жамғармасида бўлиб ўтган тадбир халқаро ташкилотлардан юртимизга муруват ёрдами сифатида келтирилган тиббиёт жиҳозлари, дори-дармон воситаларининг кам таъминланган оилалар аъзоларига етиб боришини таъминлаш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoshқармаси тасарруфидаги ўқувчилар ижодиёти марказида «Зарб—2005» доирасида кўрик-танловни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoshқармаси ҳамкорликларида ташкил этилди.

● **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида театр ихлосмандлари «Кундусиз кечалар» спектаклини, Мухомил номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрида эса «Бахтли бўл дугонажон» спектаклини томоша қиладилар.

● **НАВОЙИ** номидаги Санъат саройига келган кино мухлисларига БУ-ГУН ўзбек кино ишқдорлари томонидан яратилган «Бахт учун миллион» ва «Доқа рўмол қуриши» фильмлари намойиш қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз хабарларидан.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИ ҲИНД МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу йил 4 – 6 апрель кунлари Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборида бўлди. Ташриф бошланишидан олдиноқ қатор ҳинд матбаа нашрлари Ўзбекистон мавзусига, яъни унинг Президенти раҳнамолигида мамлакатнинг мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритган улкан ютуқлари-га муурожаат этди.

Ҳиндистонда нашр этиладиган халқаро масалаларни ёритувчи "Socialook International" ойлик журнали апрель ойи сонини тўлалигича мамлакатимиз мавзусига бағишлади. У "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларининг Ҳиндистонга давлат ташрифи муносабати билан нашр этилган махсус сон" деган умумий сарлавҳа остида босиб чиқарилди. Журнал муқовасининг биринчи бетига мамлакатимиз раҳбарининг рангли сурати ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Журналда бугунги замонавий Ўзбекистон, ислоҳотлар самаралари ўлароқ, эришилган муваффақиятлар, амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, ҳалқимизнинг миллий аъноалари сингари мавзуларга бағишланган қатор мақола ва суратлар ўз ифодасини топган.

"Ҳиндистон - МДХ" Савдо ва саноат палатасининг шу номда нашр этиладиган ойлик журнали ҳам апрель ойи сонини мамлакатимиз мавзусига бағишлади. Муқовасининг биринчи бетига юртбошимизнинг рангли сурати чоп этилган ушбу нашр саҳифалари Ўзбекистон Президентининг таржимаи ҳоли билан очилади. Мазкур палата Ислоҳ Каримов ва унинг бошчилигида давлат ташрифи билан Ҳиндистонга келган делегация аъзоларига йўлланган кутловини алоҳида саҳифада эълон қилди. Шунингдек, Ўзбекистон пахта-си, мамлакатимизда бохжона, импорт тизими тартиботлари, Ўзбекистонда сайёҳлик сингари мавзулардаги қатор сурат ва мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Инглиз тилида чоп этиладиган "Indo-Europe News & Information Bureau" ҳамда ҳинд ва инглиз тилларида чиқадиган "Public News" газеталари ташриф арафасида бир саҳифани

тўлалигича Ўзбекистон ва унинг Президенти мавзусига бағишладилар.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистонда юз минглаб, миллионлаб тиражларда чоп этиладиган нуфузли етакчи газеталар мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташрифини атрафлича ёритиб борди. "Ҳинду", "Индиан Экспрес", "Ҳиндустан Таймс", "Пайонер" ва бошқа кундалик газеталар мазкур ташриф тафсилотларига бағишланган қатор хабар-мақолаларни мамлакатимиз раҳбарининг сурати билан бирга чоп этди. Айниқса, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг терроризмга қарши кураш борасидаги қарашлари муштараклиги мавзуси маҳаллий матбуотнинг алоҳида эътиборида бўлди. Уларда мамлакатимизнинг бу балою офат билан кураш ишига қўшган ва қўшаётган катта ҳиссаси ҳақли равишда эътироф этилади. Ташриф доирасида имзоланган муҳим ҳужжатлар мавзуси ҳам атрафлича қаламга олинди.

Булардан ташқари, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорлиқни чуқурлаштиришни кўзда тутидиган қатор ҳужжатларнинг имзолангани нафақат кунлик нашрлар, балки турли маҳаллий телеканалларда ҳам атрафлича ёритилди. Хукуматга қарашли бўлган "Дурдаршан" канали, "The Z Network", "Zee TV" сингари хусусий телеканалларида ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлат ташрифи изчил ёритиб борилди.

Шубҳа йўқки, буларнинг барчаси ҳинд дидарида Ўзбекистон ҳамда унинг халқига қизиқиш ва эътиборнинг юксалигидан далolat беради.

Шухрат УМИРОВ,  
"Жаҳон" АА махсус мухбири.

**XXI саҳоси**  
Барча манбалардан  
олинган суьити хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижроси ва Кенгашнинг ўтган йилги фаолияти якунига оид масалалар муҳокама этилди.

● Жиззахда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази томонидан «Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзусида ўқув семинари уюштирилди.

● «Экосан» халқаро ташкилотиде Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси, жаноб Ханс-Йоахим Кидерлен, эколог олимлар, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида «Ўзбекистон-Германия барқарор ривожланиш йўлида» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

● Қанлиқўл тумани марказида саноат-транспорт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 850 ўқувчи тахсил олиши учун барча қулайликларга эга ушбу бинони «Ёнбошқ-аъшбуқурилиши» курувчилари бунёд этди.

**Жаҳонда**

● Ироқ парламенти депутатлари мамлакат Президентини сайлади. Ушбу лавозимга «Курдистон ватанпарварлар иттифоқи» етакчиси Жалол Талабоний сайланди. Суннийлар вакили Фози ал-Явар ва шиалар жамоасидан Одил Абил Махдий эндиликда Президент ўринбосарлари вазифасини бажаришди.

● Расмий Пекин мамлакатда кейинги 15 йил давомида 40 та атом реактори куриш режалаштираётганлигини маълум қилди.

● Саудия Арабистони махсус хизмати «Ал-Қоида» террорчиларига қарши уч кунлик операцияни амалга оширди. Операция чоғида 14 нафар террорчи ўлдирилди, 6 нафари қўлга олинди.

● Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасида автобус катнови йўлга қўйилди. Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх ушбу воқеани тинчлик йўлидаги янги қадам дея баҳолади.

*Форум арафасида*

## ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ

9 апрелда пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Саноатчилар ва тадбиркорлар форуми ўз ишени бошлайди. Унда Тошкент шаҳридаги ҳамда республика миқёсидаги турли иқтисодий тузилмаларнинг 300 дан зиёд вакиллари иштирок этади.

Иқтисодиёт — ривожланишнинг энг асосий ва шу билан бирга ўзига хос йўналиши ҳисобланади. Уни бир сўз билан талқин қилиш осон эмас, зеро иқтисодиёт бу ўта мураккаб ўзаро ҳаракатлар тизимида ва унинг қимдандир ўрганиб ўзинга татбиқ этиш борасида ягона, ҳаммабоб модели яратилмаган. Шу боисдан ҳам ҳар бир мамлакат ўзгара тажрибасига асосланса ҳам, аммо

ривожланишнинг, шу жумладан иқтисодиётда ҳам, ўзига мос келадиган мустақил йўлини танлайди ва бу борада авваламбор ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мавжуд инсоний, табиий-иклимий ресурслар, илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти, бошқа омиллардан фойдаланади.

Агарда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг дастлабки ва кейинги

беш йил ичидаги даврини кузатадиган бўлсак, ўтти даврининг қийинчиликларига қарамаздан ва бозор шароитларидан қатъи назар, ҳар доим изчил, «етти ўлчаб бир кесиб» босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар туфайли макроиктисодий барқарорликка эришиб келинган.

Бунинг сирини нимада бўлиши мумкин? Ушбу саволга мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов хукуматининг янги таркиби билан бўлган йиғилиш давомида аниқ жавоб берди. Хусусан, таъкидлаб ўтилганидек, охириги йилларда эришилган ютуқларнинг замини «жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда, ислоҳотларнинг маъноси, самараси эса эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ».

Давоми 2-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Бироқ вақт бир жойда турмайди. Биз барча жабхаларда катта ўзгаришлар юзга келаятган глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Шунга мувофиқ ҳаётнинг ўзи вақт талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариш ва ўзгариш жараёнларини давом эттиришни тақозо этмоқда. Бунга Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида ҳам урғу бериб ўтди: «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда». Мамлакат раҳбари томонидан жамиятни демократлаштириш ва янгиланишнинг концепцияси, шунингдек 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислохот эътибори олдимида қўйилган асосий вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, узок муддатли ва стратегик вазифа аввалгича қолиши алоҳида таъкидлаб ўтилди — бу эса демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёни ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришидир. «Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Юртовшимиз, — «бошқариладиган иқтисодиёт» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди. Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятнинг ислохот эътибори ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз».

Шундай, лекин биз ўзимизда мавжуд бўлиб қолаётган камчиликларни унутмаслигимиз лозим ва яширишга ҳам ҳақли эмасмиз. Чунонки, иқтисодиётнинг барқарорлигига тўсиқ бўлаётган кўпгина муаммолар кескинлигича қолаётгани сир эмас. Эски маъмурий тизим қоллигаридан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий қарорларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлида хали кўп ҳал этилмаган масалалар мавжуд.

Шулардан келиб чиққан ҳолда кўйида Тошкент шаҳрининг иқтисодий ҳолатини унинг sanoat салоҳияти мисолида бироз таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Даставвал умумий шаҳарнинг иқтисодиётига тўхталиб ўтсак. Пойтахт республика иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Хусусан, Тошкент шаҳри улуғиша мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизи, sanoat маҳсулотларининг — 12 фоизи ва ташқи иқтисодий айланмасининг — 44 фоизи тўғри келади. Қолаверса, пойтахт макрomini эътиборга оладиган бўлсак, Тошкент аксарият иқтисодий ўзгаришлар ва янгиланишнинг етакчисидир.

Кейинги йиллар ичида пойтахтда изчил амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида барча соҳаларда барқарор ўсиш кузатишмоқда. Жумладан, ҳар йили ўрта ҳисобда ялпи минтақавий маҳсулот ҳажми — 4 фоизга, sanoatда ишлаб чиқариш — 5-6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми — 6-8 фоизга ўсиб бормоқда.

Иқтисодий ўсиш ва айрим ижтимоий масалаларни ҳал этишда асосий манба бўлиб хизмат қилаётган турли мулк шаклидаги кичик корхоналарнинг изчил ўсиши давом этмоқда. Бугунги кунда ялпи минтақавий маҳсулот ҳажмининг 42,2 фоизи тадбиркорлик тузилмаларига тааллуқлидир.

Тошкент шаҳрининг иқтисодий тузилмалари ташқи иқтисодий айланмасида ҳам 2004 йили ижтимоий ўзгаришлар кузатишмоқда. Жумладан, фақат 2004 йилининг ўзида экспорт ҳажми 36,1 фоизга ошган ҳолда ташқи иқтисодий айланма ҳажми 35 фоизга кўтарилди. Бундан ташқари, экспорт тузилмасининг таркиби ҳам анча ўзгарди. Бугунги кунда экспортда тайёр маҳсулотлар ҳамда чуқур қайта ишловдан ўтган маҳсулотлар асосий ўрин тутмоқда. Шу билан бирга пойтахт экспорт салоҳиятининг географияси ҳам кенгайиб бораётган, шу жумладан кичик бизнес маҳсулотлари ҳисобига ҳам. Импорт сифат кўрсаткичларида ҳам анча ўзгаришлар юзга келди. Бу борада замонавий ва юқори технологияли дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар устунлик қилмоқда. Уларнинг улуши 40 фоизни ташкил қилаётган.

Пойтахт иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланмиш sanoatнинг ҳам ўрни ҳар доимидек салмоқли бўлиб қолмоқда. Йил сайин sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари ошиб бормоқда, товарлар — хилма-хиллиги тобора кўпайишмоқда. Шаҳарда нафақат шунчаки катта қувватга эга, балки деярли барча индустриал соҳалар — оғир sanoat, машинасозлик, самолёт-созликдан тортиб то энгил ва озиқ-овқат sanoati, юқори технологияли илмий кашфиётлар йўлидаги ишлаб чиқаришдек ноёб sanoat корхоналари мавжуд. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватлаши остида янги корхоналар очилиб, ишчи ўринлари кўпайиб бормоқда, инновацион ғоялар ва янги технологиялар таъкид этилаётган.

Лекин бу умумий кўрсаткичлардир. Sanoat ишлаб чиқаришида шунингдек ҳам йирик, ҳам кичик корхоналарга тааллуқли бўлган кўпгина хали ҳал этилмаган объектив ва субъектив муаммолар бор. Чунонки, олдинги йилларга нисбатан аксарият sanoat тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш ўсиши пасайган. Шубҳасиз, шуни

эътиборга олиш керакки, дастлабки босқичларда sanoatда ишлаб чиқариш ўсиши ўша даврга хош иқтисодий вазиятнинг ўзи туртки бўлган инвестицияларнинг жалб этилмагани ҳолда бор имкониятлар ҳисобига таъминланган. Ҳозирда эса муаммолар асосан айнан ҳўжалик субъектларининг бугунги кун талабига монанд, яъни фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитига жавоб берадиган рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштириш имконини яратувчи янги технологиялар, асбоб-ускуналар киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёниларини модернизация қилиш учун молиявий имкониятлари чегараланганидир.

Sanoat ишлаб чиқаришининг тармоқ тузилмаси ҳам пойтахт шаҳарнинг тенденцияли кўрсаткичларига тўлиқ жавоб бераётган. Масалан, озиқ-овқат, тиббиёт, шунингдек машинасозлик sanoatидаги ижтимоий ўзгаришлар асосан стратегик аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган энгил, нефть-кимё, электр энергетикаси, ёқилғи, шунингдек қурилиш sanoatида ўсиш суръати (шунга мувофиқ умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши ҳам) пасайиши ҳисобига эришилмоқда.

Sanoat ишлаб чиқаришида кичик бизнес улуши олдинги йилларга нисбатан ошган бўлсада (32 фоизни ташкил этмоқда), лекин, таҳлилларга қараганда, бу яна ўша озиқ-овқат ва қисман мебель ва энгил sanoati маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳисобигадир.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан солиштирилган бўлсак, sanoat корхоналарининг асосий капиталида инвестициялар улуши камайиб бораётган. Кей-

## ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ

инги вақтда инвестициялар қисман кўпайиши энгил, озиқ-овқат, тиббиёт соҳаларига тааллуқли бўлди. Ўз навбатида, сармоялар йўқлиги кўпгина тармоқларда рақобатбардор, бозорда талаб бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги технологиялар таъкид этилиши ва корхоналар қуввати кўпайтирилиши ҳисобига меҳнат самарадорлигини оширишга йўналтирилган инновацион жараёнларга ғўв бўлмоқда.

Афсуски, кўпгина sanoat корхоналари жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирган дастгоҳлари мавжудлиги билан таърифланади, бундан эса ўз-ўзидан жорий муаммолар — ишлаб чиқариш суръатлари қисқариши, маҳсулот сифати пастлиги, товарни сотиш бозори йўқлиги, дебитор-кредитор қарздорлик кўпайиб бориши келиб чиқмоқда. Бундай вазият эса корхоналарни зарар билан, норентабел ишлашига, иқтисодий ночорликка олиб келади. Шу ўринда кейинги беш йил ичида фақат йирик sanoat корхоналарида банд бўлганлар сони 28 минг кишига камайганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қолаверса, биргина 2004 йилнинг ўзида 4,5 минг кичик ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилиб, лекин худди шунчаси ўз фаолиятини тугатгани ачинарлидир.

Ишлаб чиқариш қувватларидан самарасиз фойдаланиш масаласи сурункали бўлиб қолаётгани ҳам хавотирга солмастлиги мумкин эмас. Бугунги кунда йирик sanoat корхоналарининг асосий қисми ўз имкониятларидан икки-уч баравар паст даражада ишламоқда, уларнинг атиги 40-45 фоизи қувватлари амалдадир. Бундан ташқари, асосий sanoat корхоналари бўйича ўтказилган саралов таҳлил шуни кўрсатдики, 250 минг квадрат метрдан зиёд ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонларидан ё умуман фойдаланилмайди ёки улар асосий фаолиятга номувофиқ тарзда ишлатиб келинмоқда. Масалан, «Электромаш» ёпиқ акциядорлик жамиятининг — 30 минг квадрат метр, «Усто Замин» акциядорлик жамиятининг — 24 минг квадрат метр, «Сергели ТБК» АЖнинг — 25 минг квадрат метр, «Аль-бай металл» қўшма корхонаси ва «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг ҳар бирида 13,5 минг квадрат метрдан иборат ишлаб чиқариш майдонлари ҳануз бесамар бўлиб қолаётган.

Ўз навбатида, эҳтиёж бор, ammo ички бозор талабига монанд ҳажмда бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги ташкил этилган корхоналарнинг имкониятларини ҳам чуқур таҳлил қилиш вақти келди чоғи. Маълумки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида айни пайтда ўнлаб корхоналар бозор талабига мос маҳсулотларни тайёрламоқда. Тошкент шаҳри бўйича 72 та корхона ушбу дастурга жалб этилган ва улар томонидан полиэтилен қувурлар, алюмин эшик-ромулар, турли ошона идишлари, мебель, машини ва sanoat техникаси — юзга яқин бошқа маҳсулот турларини маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ammo ички бозорга бир назар ташлашнинг ўзида шу аён бўладики, худди шундай товарлар ташқаридан ҳам кириб келаётган. Шундай экан, нима учун юқорида қайд этилган корхоналар тўла қувватда фаолият юримади? Қуйидаги рақамлар кишини яна ўйлантиради. Жумладан, статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, ўтган йил ақунлари бўйича ички бозорга қурилиш индустрияси товарлари (мел, оҳак, гипс, цемент, кум) — 5,7 миллион доллар, кимё sanoati маҳсулотлари (синтетик ювчиш ва тозалаш воситалари) — 8,8 миллион доллар, sanoat эҳтиёжлари ҳамда халқ истеъмоли моллари учун пластмасса маҳсулотлари (қувурлар, сувсепгичлар, қоқоқлар, турли ошона идишлари, канцелярия ва ўқув товарлари) — 53,7 мил-

лион доллар, қоғоз-картон маҳсулотлари (дастурхон, қадоқлаш терма идишлари, дафтар ва блоктлар, турли этикеткалар) — 30 миллион доллар, тўқилган газлама ва тайёр трикотаж маҳсулотлари — 4,2 миллион доллар, пойабзал — 3,6 миллион доллар, сопол маҳсулотлари — 3,8 миллион доллар, ўлчов ускуналари (газ, сув, электр асбоблари) — 13 миллион доллар, мебель — 3,6 миллион доллар, спорт жиҳозлари ва ўйинчоқлар — 2,1 миллион АҚШ долларига тенг киритилган. Бунинг деярли 150 миллион долларига тенг қисми импорт қилинган товарларни ташкил қилади. Урта ҳисобда уларнинг 50-60 фоизини ўзимизда, ички бозорнинг барча имконияти ва қувватларини ишга солган ҳолда ишлаб чиқариш ҳам мумкин эди. Бу борада шундай таҳлил ўринлидир: ички бозордаги аниқ вазиятнинг янада мукамалроқ ўрганиб, барча корхоналарни — катта ва кичикларини ишга солган ҳолда ички кооперация тизимини кенгайтириш лозимдир. Шунингдек, ушбу йўналишда барчага тенг ҳуқуқли ахборот-реклама негизини ташкил этиш ҳам долзарбдир.

Юқори малакали кадрлар етишмаслиги ҳам муаммолардан қолмоқда. Хусусан, бугунги кунда пойтахтимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ 80-100 та йўналиш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган ўнлаб касб-хунар коллежлари фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ушбу дастурнинг иккинчи босқичи амалдадир. Урта-маҳсул ўқув юрталарини юзлаб ўғил-қизларимиз тўғатиб, 2-3 тадан мутахассисликка эга. Лекин айнан мутахассис сифатида улар ички бозоримизда ўз ўрнини эгаллай олди, деган савол кишини ўйлантиради. «Коллеж — ишлаб чиқариш» тизими йўлга қўйилган. Балки айрим ўқув юрталари ўз ишлаб чиқариш негизига эгадир, ammo аслида вазият шундайки, кўпалаб тегишли билимга эга ёш мутахассислар етарли даражада тажрибаси, иш маҳорати бўлмагани боис «ташқари»да қолиб кетаётган.

Ўз навбатида, кўпгина юқори малакали мутахассислар ҳам ўз имкониятларини қўллашга ожиз бўлиб қолмоқда, улар орасида ноёб касб эгалари борлигини ҳам унутмаслик заркор.

«Кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш» тизими самарадорлигига эришиш устида ҳам бош қотириш айти мумкин. Бу борада, ўйлаймизки, илм ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни тиклаш ва ривожлантиришдек долзарб масала тўғрисида ҳам бироз сўз юритиш ўринли. Бугун республика каби, пойтахтда ҳам барча соҳаларга оид илмий мактаблар мавжуд. Ammo, афсуски, мамлакатимиз илмий кадрларнинг қанчадан-қанча таъкид қилини ҳаётга таъкид этилмаган қолмоқда. Кейинги йилларда олимларимизнинг кўпалаб илмий изланишлари юқори баҳоланиб патентланди. Уларнинг тақдирини ҳақида нима биламиз? Деярли ҳеч нарса, чунки бу кашфиётлар асосан илмий-текшириш институтларининг лабораториялари доирасида қилиб кетмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилиши, шубҳасиз, кўп жиҳатдан қонунчилик асосида тадбиркорлик субъектларининг солиқ, божона, молия-кредит идоралари, ташқи-иқтисодий фаолиятнинг юқори тизимлари билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириб боровчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий негиз мукамаллиги билан ўлланади. Бу масалага Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида ҳам эътибор қаратилиб, бугунги кун талабларига мувофиқ кўпгина меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга ҳўжалик субъектларига нисбатан бюрократ тўсиқларини ҳам қонун нуктаи назаридан бартараф этиш кераклигига урғу берилди.

Шундай. Бироқ биз қачонгача фақат муаммоларнинг мавжудлигини рўқча қилаверамиз? Уларнинг ҳал этилишида, аниқ силжашга юзга келишида ҳар биримизнинг ҳиссамиз нимадан иборат? ЭРТАГА бўлиб ўтадиган Sanoatchilar ва тадбиркорлар форумининг мақсади биринчи навбатда бугунги вазиятдан чиқишнинг аниқ йўларини излашга йўналтирилган, демаски юқорида қўйилган саволларга ҳам жавоб топилади. Шу ўринда бироз мушоҳада юритайлик. Балки, кимдир табиий бир савол тўғилиши мумкин: нима учун бу нуфузли анжуманининг ташкилотчаси соҳага оид муаммолардан воқиф ва уларнинг қандай ҳал этиш мумкинлигини яхши билган sanoatchilar ёки ишбилармонлар эмас, балки яна маҳаллий ҳокимлик оргanelлари ташаббус кўрсатмоқда? Бизга шу ҳам яхши маълумки, бош ислохотчи — давлат ва бу тамойил жамиятдаги ўзгаришларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Ислохотлар тақдирини эса, Юртовшимиз таъбири билан айтганда, «Энг аввало давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилиши, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олимизми шарт». Ҳақиқатан шундай. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик ҳаракати вакилларининг муаммолари, шунингдек янги ғоялари сари юз тутмоқда. Ammo, ўйлаймизки, масъулият, қатъият ва азму шижоат барчада ва айниқса ўз бўйинга мамлакатимиз иқтисодий фаровонлигини юксалтиришга бевосита ҳиссасини қўшишдек оғир юкни кўтаришга шайланганларда муҳим бўлиши лозим.

Ният қиламизки, форум мавжуд муаммоларни ечишда ҳаракат нуктаси бўлиб қолади ҳамда пойтахт ва бутун республикамизнинг иқтисодиётида чамбарчас бўлган барча тузилма ва бугунларнинг сермазун ва самарали фаолият юритишига туртки беради.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

**Сўраш,  
жавоб берамиз**

Эшитишимга қараганда алоқа соҳаси ходимлари учун даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар мавжуд экан. Шу тўғрида билмоқчи эдим.

**Д.Насруллаев,  
муҳандис.**

Солиқ Кодексининг 55-моддасига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдан қабул қилинган "ўта зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг (яъни фуқароларнинг) айрим тоифаларидан имтиёзли даромад солиғи ундириш ҳақида"ги 72-сонли қарорига мувофиқ, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шу жумладан, алоқа ходимлари учун ҳам, уларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари микдоридан даромад солиғи имтиёзли равишда, яъни олинган даромаднинг 25 фоизигача бўлган миқдорда ундирилади. Шароити зарарли ва оғир ҳамда ўта оғир, ўта зарарли бўлган ишлар, қасб ва лавозимларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатда алоқа соҳаси ходимларининг бир қатор тоифалари қайд этилган бўлиб, улар жумласига: пайвандловчи кабелчи; шаҳар телефон станциялари телефончилари; шаҳар телефон тармоғи маълумотлар хизматининг телефончилари ва бошқа бир қатор шахслар кирди. Яъни, 3-рўйхатда кўрсатилган алоқа соҳаси ходимлари ҳам олган даромадларининг 25 фоизигача бўлган миқдорда (ишловчи хотин-қизлар эса 20 фоизгача имтиёзли даромад солиғи тўлайдилар.

**Болаларни парваришlash билан банд бўлган шахсларга нисбатан тўлиқсиз иш вақти белгиланиши ва қўшимча дам олиш кўни берилиши мумкинми?**

**М.Рашидова,  
ҳамшира.**

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига асосан, ҳомилалдор аёлнинг ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор бўлган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг, шунингдек, оиланинг бетоб бўлиб қолган аъзосини парваришlash билан банд бўлган шахсининг (ходимнинг) илтимосига кўра ҳамда тиббий ҳулосага мувофиқ иш бериувчи уларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Тўлиқсиз иш вақтида ишлаган ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига кўра тўлиқсиз иш вақтида ишлаганлик учун иш ҳақи ишланган вақтга ёки бажарилган ишга (ишлаб чиқарилган маҳсулотига) мутаносиб равишда тўланади.

Яна шунга таъкидлаш жоизки, ўн олти ёшгача ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда бир кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кўни берилади.

Меҳнат Кодексининг 230-моддасида ушбу имтиёз белгилаб қўйилган.

**Хурматли ҳамшаҳарлар!  
Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига кўнгирак қилсангиз маалаки мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мақтуб ёзинг, кўнгирак қилинг.**

**ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ**

Сўнги вақтларда мамлакатимизнинг миллий тўлов тизимида пластик картчалар бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Муомалага пластик картчаларни татбиқ этиш ундан фойдаланувчи юридик шахслар учун ҳам, жисмоний шахслар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратди.

Жумладан, иш ҳақи, мукофот, хизмат сафари харажатлари учун пул маблағлари берилишининг пластик карточка тизимига ўтилиши қасса муомалаларида ҳужжатлар оқимининг камайишига олиб келади. Иккинчидан пластик карточкалар эгаси катта ҳамён кўтариб юриш, пулларини ўғирлатиш ёки йўқотиб қўйиш ноқулайликларидан халос бўлган ҳолда улардан фойдаланиши, махсулот сотиб олиши ёки кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаши мумкин. Пластик карточкалар қодлаштирилган бўлиб, ундан факатгина шу карточка эгаси фойдалана олиши мумкин. Учинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашда раҳбар иш ҳақини тўғридан-тўғри ходимнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, банкда нақд пул бўлмаганлиги сабабли вақтида тўланмаган иш ҳақи, қассирнинг ортқича иш ўрни каби муаммоларга дуч келмайди. Ойлик маошининг барчасини ишлатмаган ходимлар эса, пулнинг ҳисоб рақамига туриши даврида қўшилган фоизлар кўринишида қўшимча даромад олишлари мумкин. Тўртинчидан, нақд пул маблағларининг

айлиниши сезиларли даражада камаяди. Бу, муомалага чиқарилган пул маблағларининг бир қисми аҳоли қўлида қолиб кетиши, нақд пул етишмовчилигининг вужудга келиши, янги пул эмиссиясининг амалга оширилиши ва натижада инфляциянинг юқори суратларда ўсишининг олдини олади ва барча пул маблағларининг банкка қайтиб келишини таъминлайди.

Сўнги вақтда Ўзбекистонда пластик карточкаларни ишлаб чиқарувчи банк-эмитентлар сони ортиб бормоқда. Республикада биринчи пластик карточкаларни муомалага 1996 йилда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки чиқарган. Бугунги кунда унинг қаторига «Ўзуюйжамфармабанк», «Асака банк», «Пахта банк», «ЎзДЭУ Банк», «АБН АМРО банк» каби бир қатор банклар ҳам қўшилган.

Юртимизда пластик карточкалар бозори янги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳада ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Улардан бири — тўлов муаммоларини самарали ҳал этишда ушбу

молиявий инструментнинг иқтисодий имкониятларидан максимал фойдаланиш мақсадида керакли шароитларни яратиш беришидир. Бунинг учун маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, техник базани такомиллаштириш, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс муаммоларни ечиш зарур. Шунингдек, тижорат банклари ва хизмат кўрсатувчи, савдо ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро келишувларни амалга ошириш керак.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

1993 йилда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки VISA International тўлов ассоциациясига аъзо бўлди. Бу пластик карточкалардан халқаро даражада ҳам фойдаланиш имконини берди. Ҳозирга келиб VISA карталарини эмиссия қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш «Асака банк», «ЎзДЭУ Банк», «АБН АМРО банк» банкларида ҳам амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шунга айтиш мумкинки, пластик карточкаларнинг кенг жорий қилиниши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ўсишига имкон яратди.

**Д.СУЛТОНОВА,  
Тошкент Молия  
институтини магистранти.**

*Анжуманлар*

**ЎЗГАРИШЛАР  
МУҲОКАМА  
ЭТИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳамда Уй-жой Кодексига киритиладиган ўзгаришлар муҳокамасига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Республика Адлия вазирлиги, «Ўзкоммунализмат» агентлиги ҳамда АҚШ Халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID) нинг «Маҳаллий бошқарушни ривожлантириш» лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилиб, унда турли вазирликлар, Олий Мажлис ва турар жой соҳасида фаолият кўрсатадиган ташкилотларнинг вакиллари, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари иштирок этишди.

Анжумандан кўзда тутилган асосий мақсад «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ва Уй-жой Кодексига киритиладиган ўзгаришларни муҳокама этиш учун яна бир имконият яратишдир.

Шунга алоҳида таъкидлаш ўринлики, «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида»ги янги Қонунни қабул қилиш ҳукуматимиз амалга ошираётган уй-жой ва коммунал хўжалиги ислохотлари жараёнида энг долзарб масалалардан бўлиб, бу Қонун хонадон мулкдорлари учун мустақил қарор қабул қилиш борасида имкониятлар яратиш, барча мулкдорларнинг кўп хонадонли уйдаги умумий мулкни сақлаш ишларида тенг қатнашиши бўйича масъулиятини оширади.

Тадбирда Адлия вазирлиги Иқтисодий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Зухра Ибрагимова, «Ўзкоммунализмат» республика ўқув марказининг дитректору Қурбон Магомедов, «Маҳаллий бошқарушни ривожлантириш» лойиҳасининг Ўзбекистондаги директори Ирина Генцлерлар сўзга чиқиб, уй-жой қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, уй-жой фондини бошқариш ва хизмат кўрсатиш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини қонунчилик доирасида ривожлантириш ҳақида батафсил тўхтадилар.

Йирилганлар янги қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, қизгин мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Анжуман очилишида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнел иштирок этиб, республикада амалга оширилаётган коммунал соҳадаги ислохотлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

(Ўз муҳбиримиз)



Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида илк бор ташкил этилган «Металлургия. Кимё. Энергетика — industrialExpo Uzbekistan-2005» халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

*Кўргазмалар*

**МЕТАЛЛУРГИЯ, КИМЁ,  
ЭНЕРГЕТИКА  
САНОАТЛАРИ САЛОҲИЯТИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари ёрдамида ZarExpo компанияси томонидан уюштирилаётган мазкур кўргазмада Германия, Туркия, Россия, Қозғоғистон, Ўзбекистон, Беларусь, Латвия ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Кўргазма экспозицияларини айланар эканмиз, Сингар гуруҳи, «Каустик», «Урал кимё компанияси» ОАЖ (Россия), «Техноприбор» ОАЖ (Беларусь), Shimadzu Deutschland GmbH (Германия), «Кентау трансформатор заводи» (Қозғоғистон) каби ўз соҳасининг кўплаб етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё ва нефть-кимё саноати, маиший кимё, рангли ва қора металлургия маҳсулотлари, энергетика ускуналари ҳамда технологиялари кенг қўламда ўрин олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўргазмадан юртимиз корхоналари маҳсулотлари ҳам ўз ўрнини топган. Чунолчи, «Азияэлектрогруп», «Сабр» МЧЖ, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат»

акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг машинасозлик маҳсулотлари, руда металлургияни майдалаш ва саралаш ускуналари, металл кесиш анжумлари, назорат-ўлчаш ускуналари, маиший кимё, энергетика ускуналари ва технологиялари хориж технологиялари билан бемалол рақобатга кириша олади.

Кеча кўргазма доирасида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари, Республика Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилот ҳамда идоралар вакиллари иштирокида давра суҳбати ва бизнес-семинар бўлиб ўтди.

Уйлайимизки, Металлургия, Кимё. Энергетика — industrial Uzbekistan-2005 халқаро кўргазмаси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги

хамкорликни мустаҳкамлаш учун тижорат ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг сый-ҳаракатларини биллаштиришда ўзига ҳош ўрин тутади.

(Ўз муҳбиримиз)  
**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.  
Наталья Семёнова олган суратлар.**

*Мағбурлар*

**ДИЛДАН КУЛИБ, ҚУВНАШДИ**

Кулги — чехранинг гули, кўнги озиғи, бахтиёрлик белгисидир. Кулгидан одам ёшаради. Самийи табассум тошни ҳам эрита олади.


Бутунжаҳон ҳазил-мутойиба, кулги кўни муносабати билан шаҳримиздаги Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида янраган карнай-сурнай наволари ҳамюртларимизни «Келинг, бир кулишайлик» деб номланган — кулги байрамига қорлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда боб мазмурига хамкорлигида ташкил этилган мажор байрам тадбирига йирилган кулги шинавандалари ранг-баранг шарлар, байроқлар ва гуллар билан безатилган сахна атрофида жамулжам тўпла-

нишди. Кулги байрамини Чилонзор туманидаги Глиэр нолаидаги маданият уйи қошидаги ёш карнайчиларнинг «Карнай нафраси» гуруҳи карнай чорлови билан бошлаб бердилар. Шундан сўнг сахнада халқимизнинг сеvimли кулги устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев ўзининг ичакўзди хангома ва ҳажвиялари билан йирилганлар қалбига бир олам завқ-шаҳқ, чехларига кулги табассум бахш этди. Шунингдек, кулги кечасида халқимизнинг машҳур аскиячиларидан Ўзбекистон халқ ҳофизы, Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати ордени» соҳиб Абдуқосим Тўйчиев, қизиқчи Жак-

барали Жўраев, Чилонзор туманидаги 5-сонли маданият уйи қошидаги «Халлпараст» қизиқчилар театр студиясининг актёрлари О.Нуриддинов, А.Қайюмовларнинг чиқишлари, ушбу туман маданият уйининг «Ёшлик» халқ дастаси хонандаси Олимжон Нуриддинов, «Наврўз» халқ дастаси хонандаси Баҳодир Пириматов ва бошқалар ижросидаги қувноқ кўшиқлар, аския-пайровлар кечага янада файз киритиб, ёшу кексанинг қалбига хуш кайфият бахш этди. Беғубор, шодидна кулгиларга, қаҳқаҳаларга чулганган боғда барча дилдан кулиб, яйраб, қувнади.

Гулором ХАМИДОВА





ДУШАНБА, 11

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «23.5 даражали буркан остида»...

«Спорт»

7.30 «Новости»
7.45 «Бодрое утро»
Информационно-развлекательная программа...

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Серил «Скорая помощь»
9.00 «Новости»...

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тон»
Информационно-дам олиш дастури...

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

ЧОРШАНБА, 13

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «23.5 даражали буркан остида»...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро России!»
6.45 «Сказочный удар»
6.45 «Сказочный удар»...

30-й канал

16.55 профилактические работы
16.55 Открытие программы
17.00 «Зарубежные клипы»...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

СЕШАНБА, 12

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «23.5 даражали буркан остида»...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45, 17.55 Мелодрама «Всегда говори «всегда»...

«Ёшлар»

16.55 Курсатувлар дастури
17.00 «Давр» хафта ичида
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс...

«Спорт»

7.45 «Бодрое утро»
Информационно-развлекательная программа...

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Серил «Скорая помощь»
9.00 «Новости»...

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45 «Вести недели с Сергеем Брилевым»...

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Серил «Скорая помощь»
9.00 «Новости»...

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тон»
Информационно-дам олиш дастури...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро России!»
6.45 «Сказочный удар»
6.45 «Сказочный удар»...

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «23.5 даражали буркан остида»...

«Спорт»

7.45 «Бодрое утро»
Информационно-развлекательная программа...

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Серил «Скорая помощь»
9.00 «Новости»...

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тон»
Информационно-дам олиш дастури...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро России!»
6.45 «Сказочный удар»
6.45 «Сказочный удар»...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45 «Вести недели с Сергеем Брилевым»...

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 Серил «Скорая помощь»
9.00 «Новости»...

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»...

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 14.00, 14.30 «Мульти-пульт»...

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тон»
Информационно-дам олиш дастури...

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости...

«Тошкент»

17.00 Программа передач
17.10 Серил на ТВ: «Дикая природа Австралии»...

Россия

2.00 «Доброе утро России!»
6.45 «Сказочный удар»
6.45 «Сказочный удар»...

Давоми келгуви сонда.



КУЛИНГ ДҮСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БҮЛАДИ. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов

### ЯНГИСИДАН БОРМИ?

#### КЕЙИНГИ ХАЛТА СЕНИКИ

— Бундан анча йиллар муқаддам, — дея ҳикоясини бошлади ҳажвчи дўстим, Абдуғани, — Эшонпир ўтган экан. Кўзи ожиз бўлиб, уни садоқатли ўсмир муриди куну тун етаклаб юраркан. Мурид Эшонпирни ниҳоят даражада авайларкан, чунки у салкам авлиё даражасида бўлиб, доимо хайру саховатни, эҳсон ва аққаларни, мурувват ва шафқатни тарғиб қиларкан. Кундалик айтадиган ваъзиди «Худо сизга иккита берса, бирини садақа қилинг, битта берса, ярмини инъом этинг», деввераркан.

Бир кун муриди — ўсмирнинг шайтонлиги туғиб устозини синамокчи бўлибди: — Устоз, мана беш йилдирки, сизга ҳалол хизмат қилганман, ҳализгача сизни ёнғоқдек тошга қоқилтирганам йўқ. — Баракалла, ўғлим.

— Устоз, мана ҳозир нотаниш дарғоҳларда кетялгимиз. Башарти оёғимиз остида бир халта олтин учраб қолса, олсаму сизга узатсам, шундан қанчасини менга берган бўлардингиз?

Эшонпир хурсанд бўлиб жилмайди ва муридинг энлисини

сиппалади: — Ўғлим, бу топилган биринчи халта меники бўла қолсин. Кейинги топиладиган халтани, албатта, сёнга инъом этаман.

#### ЙЎҚОТМАДИ — ТОПМАДИМ

— Бир замонларда, — иккинчи хикоясини бошлади Абдуғани, — бир аёл эридан шикоят қилиб, қозига борибди.

— Қози тоға, эрим айниди, ҳангил кўчасига кирдимми, дейман, ҳеч қаерда ишламайди, меҳнатга тоби йўқ, уйга ҳеч вақо олиб келмайди.

Қози эрини қақиртириб панднасиҳат қилибди. «Энди тоғганимни хотинимга олиб келаман деб тилхат ёзибди эр. Орадан ойлар ўтибди. Аммо у ўзгармабди. Уйга ҳеч нарса олиб келмабди. Аёл яна қозига шикоят қилибди. Қози дағдага қилса, эри бўш келмабди:

— Қани ўша тилхат? Ўқичи.

Қози ўқибди. «Энди тоғганимни хотинимга олиб келаман...» Эр қозига ўшқирибди:

— Тўғри, тилхатни мен ёзганман. Тоғганимни олиб келаман деганим рост. Утган вақт ичюда ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмади. Мен топмадим. Топсам олиб келаманда.

#### ФАВҚУЛОҒИДА «ҲОҒИСАЛАР»

• Кўшникига элакка чиққан хотин элакини олдидо ортига қайтди.

• Телефон туширгани ариза ёзган кунимок уйимга телефон тушириб кетишди.

• Уч-тўрт улфат спиртли ичимликсиз ошхўрлик қилишди.

• Дўкон мудри сотувчиларга харидор ҳаққига хиёнат қилмасликларини қаттиқ тайинланди.

• Сомсахўрлик қилгани боргандик, сомсадан фақат пиёз эмас, ҳатто гўшт ҳам чиқди.

• Почтальонимиз ҳар кунги газета ва журналларни мuddатидан олдин етказиб келяпти.

• Таксичи ҳисобдонга ёзилган пулдан бир тийин ҳам ошиқча олмади.

• Қўшлоққа машҳур артистлар келиб концерт қўйиб беришди.

• Саёқ отарчи тўйга текинга хизмат қилиб гул кистирганларни жинидан ёмон кўришини айтди.

• Қўшлоқдаги боғча ва мактаб қурилишини қурувчи тоғалар мuddатидан олдин бажардилар.

• Касалхонада ҳар кунги эр талабқи беш дақиқалик мажлис ўз мuddатида туғади.

• Мамажон қассоб гўштга суяк қўшмай сотаяпти.

• Лаганбардор янги бошликка салом ҳам бермади.

• Тўра Тўраевич бир акса урғанда қабулидаги ходимлардан «Соғ бўлинг, хўжайин!» деган ўғил бола чиқмади.

• Ивгогар кўшнисининг лотерея билетига «Жигули» ютганини эшитиб, боши осмонга етди.

«Кичик тўй» белгиланган соатдан кечикди. Ошпази тушмагур ёмон имиллади-да, 20 килограмм гуруч тушадиган паловни икки соатда зўр-базўр дамласа-я. Агар хотин бўлганда роса қалтак ерканда эридан.

«Ҳа, бўл, ҳа бўл» билан иш тезлаб кетди. Каттагина иккита тоғорага ош уюб сузилди. Битта тоғорани икки киши аранг кўтариб машинага чиқаришди. Автобус оғир кўзғалиб йўлга тушди.

Ана одам-у, мана одам. Епирай, қаердан келган улар. Та-

олғаймиз. Зинҳор-базинҳор қувё боламизни қўнамаймиз. Иншоолло юртимизда тинчлик, маъмурчилик. Бундай замонда кудаларга «у берасиз, бу берасиз» деб ўтиришимиз ҳам нободир. Аммо на чораким, эскидан қолган удум экан. Унга риюя қилмай иложимиз йўқ.

Атрофдагилар икки гапнинг бирда Қорининг сўзини қувватлаб туришар, бу гапларнинг тагида хикмат борлигини қайта-қайта ўқитишарди.

— Маълумингиздурким кун-кеча ўзим ҳам кичик

### «БИРИНЧИ ИМТИҲОН» (Ҳажвия)

фин ҳам иш куни-я, бўлмаса тоза тўпланаркан-да. Эшик тағидалар югур-югур қилиб қолишди. Кудачилик минг йилчилик меҳмондорчилик қизиди.

Ўтириш авжи қиёмига етганда 60-65 ёшлардаги киши мақсадга ўтди.

— Энди кудалар, хафа бўлмайсизлар. Қизи борнинг нози бор дейдилар... Тўй харажатлари ҳақида икки оғиз маслаҳатлашиб олсак.

Осмон-у — фалакка кўтарилаётган кулги овозлари таққа тўхтади. Уй сув қуйгандек жимиб қолди. Тўйнинг «боз-боз»ига олдиндан тайинлаб қўйилган кексалар сергақ тортишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Тўрда ўтирган ингичка, оғриққина Қори (мажлис ахли уни Қори ака деб қақиршарди) акса урди. Чекка-чеккадан «ҳаққос рост» деган сўзлар эшитилди.

Куда томондан келган кишилар маҳалла вакили бошчилигида бараварига юз-кўзларидан қуйиб келаётган терни артишга тушди.

— Азизлар, — ингичка товуш билан сўз бошлади Қори, — Олло-таолло бандаларини яратибдурким, уларнинг риза-қўриғини ўзи билан бирга берган. Бинобарин, гап бу ерда тўй харжлари устида бормоқда экан, аввало биз бу фикрни бўлғуси кудаларимиз томонидан эшитсак-да, камқўстини тўлғзасак.

«Тўғри. Жуда ҳақ гапни гапирдилар тақсирим. Минг яшан» деган сўзлар эшитилди. Куда томонлар бир-бирларига маъноли тикилиб олишди. Ниҳоят маҳалла вакили сўз бошлади.

— Йўқ, Қори почча, ахир сиз кўпни кўрган одамсиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Шундай экан, ўзингиз бир мурсога келтирарсиз.

— Сизлар, нима дейсизлар, азизлар?

Қори атрофдагиларга қаради. Ўтирганлар бирин-бирин гапга тушишди. Бора-бора бир-бирларига сўз бермай қўйишди. Уй ғала-ғовурга тўлиб кетди. Хуллас битта отдек қўй, икки қоп гуруч, уч қоп ун, шунга яраша қанд-курс, сабзи-пиёз, масаллик ўртага қўйилди. Кудалар ноилож рози бўлишди.

— Минг раҳмат, — деди Қори узоқ фотиҳа ўқиб. — Хўш, энди яна бир нарса қолибдирким, бу — она сути ҳақи. Албатта она сутини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмас. Бунинг учун ҳар қанча берсак ҳам оз. Лекин, қизимиз бўлишиминг ўша хонадонга боришини ҳам инобатга

қизимни турмушга бердим. «Олиқ-солиқ» ҳам қилмадик. Ҳаммасини кудаларимиз иштироғига ташладик. Тушунган одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Улар қилган нарсаларни бирма-бир айтмай қўяқолай. Биргина пулнинг ўзида беш юз кўкидан бериб юборишибди. Яна бутун қувё сарполар кудаларнинг ўзидан.

Қори вазиятни ноқизлаштириб сўз навбатини яна кудаларга берди. Улар лом-лум дейишолмади. Ўртага узоқ сукунат тушди.

— Энди эл қаторида, — деди Қори сўзини давом эйтириб — сарполар қувёнинг ўзидан. Она сутига беш юз кўкидан берақоладилар. Осони шу. Қувёга ҳам, қиз томонга ҳам жабр бўлмасин. Исрофгарчилик на даркор.

Ўтирганлар унинг фикрини қувватлаб кетишди. Гўё чўкиб бораётгандек кудаларнинг нафаслари сиқилар, тинмай култ-култ ютинишарди. Ниҳоят маҳалла вакили зўрба-зўр тилга кирди.

— Уч юз берсак!

Бечоранинг сўзи оғзида қолди. Ҳар томондан унга ёпишиб кетишди. Бағир — буғир, тўполон авжига чиқди. Ниҳоят кудалар уч юзга рози бўлиб қутулишди. Бўлмаса, «ана, олиб келганларингни қайтариб кетаверинлар!» дегувчилар ҳам топилган эди. Сал бўлмаса шунча ҳаракат ҳавога соғуриладиган. Қўнмай илож қанча. Кудалар рози бўлишгач, ҳамма уларни қутлаб кетди.

— Хўш келибсиз, қудожонлар. Қадамингизга ҳасанот. Тўйлар муборак!

Меҳмондорчилик яна қизиди. Қувё томондан келганлардан бошқа ҳамма хурсанд эди. Икки томон ҳам «биринчи имтиҳон»дан омон-эсон ўтсада ҳали олдинда оғирлари тургани эслаб кудаларнинг юраги баттар орқасига тортиди.

Кудаларга биттадан тўн кийгизилди. Хайр-маъзур қуюқ бўлди. Ҳайдовчи йигит негадир жаҳл билан бирдан машина газини босди. Автобус бир силтаниб, қўчани қаттиқ чангитиб йўлга тушди.

— Тавба, — деди у йўлда кетатуриб, — ахир қачон тугаркин-а, шу бемаъни одатларимиз. Кўпни кўрган қарияларимиз шунақа қилиб ўтиршса-я. Оғзида «тўйда ортиқчалик бўлмасин», дейишади-у амалда ақсини қилишади?

Ҳайдовчи, бекорга қуйинмаётган экан. Маълум бўлишича, у бечора ҳам кейинги ҳафта «кичик тўй» юбориб, «биринчи имтиҳон»дан ўтиши керак экан.

#### Қўшма қўшиқлари

##### ҒАЛАТИ ЖЎШ

Икки ўртқок — Мурод билан Самад телефонда сўзлашардилар:

— Самад, мен бугун жуда ғалати туш кўрдим.

— Ғалати, дейсанми? Қанақа туш экан?

— Тушимда тоғ сайрида юриб, иккимиз жанжаллашиб қолибмиз. Қўм-қўқ арча тағида роса сени калтаклаб, кейин дўппослаганим учун узр сўраётган эмишман.

— Ҳа, оғайним Мурод-ей, тушингдамас ўнгингда калтаклагандирсан. Нега десанг бугун уйқудан бирёқ юзим кўқариб, кўпчан ҳолда турдим. Ўша сенинг муштинг зарбидан бўлса керак. Бундан буён бунақанги ғалати туш кўрма, илтимос!

##### СОАМ ДҮҚОНДА

— Тавба! Соатларингиз янгимми? — сўради харидор.

— Яп-янги, биродар! Бу ерда эскиси бўлмайди.

— Унда нега анави осиглик соатлар ҳар хил вақтни кўрсатапти?

— Э биродар, — дебди сотувчи тушунтириб, — биринчидан, ҳар бирининг нархи ҳар хил. Иккинчидан, ҳозир қўшма, ҳаво тез-тез ўзгариб, вақтни аниқ билиш қийин. Учинчидан, Ер шарининг ҳамма ёғида вақт ҳар хил.

— Тушунарли. Бошқа дўкондан фақат ўзимизнинг аниқ вақтни кўрсатадиганини топиб олишим керак экан-да!

##### АНДАЭМТАҒАТА

##### ҶУШМАЙСАҢ

Кўчада кетаётган кексароқ кишига лотерея соатётган йилгича деди:

— Амаки, «Аёло ўйинчи»дан олинг, бу сафар йи-

гирмата енгил автомашина — «Нексия» ютуққа қўйилган.

— Аввал ҳам алдаган эдинг, амаки олинг, машина чиқади, деб. Ушанда енгил автомашина эмас, кир ювиш машинаси чиқкан. Чамамда, бу сафар ҳам алдаётганга ўхшайсан. Ютуқ чиқадиганини аниқ кўрсатсанг, лотереяни оламан.

— У ҳолда йўлингиздан қолманг, амаки. Ютуқ чиқадиганини билсам, лотерея сотиб юрмасдим!

##### ПИВОХОНДА

Иссиқ кунда ташна бўлган Қоровой тоға шаҳардаги пивохоналардан бирига кириб, бир кружка пиво олса сотувчи идишини ярим қилиб қўйиб берибди.

— Ҳой, укам, — дебди Қоровой тоға аччиқланиб, — боядан бери кузатиб ўтирибман, ҳаммага кружкани ярим қилиб қўйсан. Ҳатто, ўзимгаям ярим қўйдинг-а? Сенди инсоф борми, ўзи!

— Тоғакон, пиво кам қолди, ичувчи пивоҳўр кўп. Ҳаммага етсин, деяпман-да!

— Унда, ҳаммага етказсанг етказгини асло сув қўша кўрма, пивонинг мазасини бузасан, — деб тоға сотувчига насиҳат қилган бўлибди.

##### СМАКАҲОСЕВАР ОДАМ

Сайрибоддаги ошхонага кирган бағдбашара одам буфетчи аёлни имлаб, ўтирган жойига қақирибди:

— Қизим, жуда чанқадим, оқидан бир стакан олиб келгин?

— Бугун оқи йўқ, — дебди аёл.

— Бўлмаса, қизилидан бир стакан.

— Қизили ҳам йўқ эди.

— Унда сарғишдан бир стакан келтир!

— Сарғиши пивоми, у ҳам йўқ.

— Э товба, ниманг бор ўзи!?

— Мастава, лағмон, палов.

— У ҳолда бир стакан мастава билан бир стакан сув бер қизим. Лағимга стакан тегмаса кайфиятим жойига тушмайди, ахир!

Хандапаз Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.

#### Қувноқ сатрлар

Ота-онаси уйда бўлмагани учун кичкина Умида сингилчасини чўмилираётганди.

— Мана кўраганми, — деди у, — мен ҳатто сени чўмилираман ҳам-а?

— Ҳа, — жавоб берди сингилчаси, — фақат ойим чўмилираганда аввал туфлимини ечиб қўядилар.

Ботир дадасидан сўради:

— Дада, нима учун ер айлананди?

Унга жавобан отаси бақирди: — Яна қоньягимни ичиб қўйдингми эмураша.

Қорни жуда очган меҳмон уй эгасининг ўғлидан секингина сўради:

— Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?

Бола жавоб берди:

— Ўзимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон бўлса у кетгунча

сабр қиламиз.

Муаллиф машҳур танқидчидан сўради:

— Пьесамага баъзи бир ўзгартишларни киритсаммикан, сиз нима маслаҳат берасиз?

— Ҳа, албатта, мен асарингизнинг қаҳрамони ўзини ўзи осмасдан, балки отишини маслаҳат берардим.

— Нима учун?

Шунда ўқ товушидан чўниган томошабин уйқудан кўзини очарди.

Шарқ дурдоналари



● Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризиолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган ахшиликнинг дебосчаси деб билади. Наҳот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насими ота-она тўфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мудоаа шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзанди бўлган меҳру муҳаббат онасини ғуборлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ХИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб хакимларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйдаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, роҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмак зийнага йўл қўймак ва маломатга қолмоқдир.

**Агар кўрсанги**  
Йўлда чоҳдир,  
Агар хомуш ўтирсанг  
Зўр гуноҳдир!

Байт:  
**Агарчи жим ўтирмак**  
Хирадманд наздида  
Хушдир,

**Валекин маслаҳат**  
Пайтида хуш  
Бўлғай фикр айтмоқ.

Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмак бафҳалликдир.  
Керак пайтида сўз айтмай, но-керак пайтида дам урмоқ!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Хинд рожаси. Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён ипига тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ наҳомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:  
**Айтилмаган сўздан**  
Наҳомат етмас,  
Сўз айтилгач, ундан  
Зарар юзланар!

Тошкент шаҳар онкология диспансерига Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2000 йилда берилган № 1624973327 сонли ер кадастри муносабатларини белгилувчи ҳужжат йўқотилганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Тошкент бекатлари таърифига тил оҳиз. Айниқра кейинги йилларда ўнлаб, юзлаб замонавий кўрам бекатлар тикланди. Улар марказий кўчаларимизда савлат тўкиб турибди. Лекин курак савлат билан иш битмас эканда. Шунга яраша тартиб ҳам бўлса яхши экан. Нега бундай деяётганимизнинг боиси бор. Бекат кўришидан ҳар қанча дабдабали бўлмасин, унинг теварак атрофи каровсиз, ифлос бўлса худди қимматбах матодан янги кастюм-шивм кийган одамнинг оёғига эски чорик кийгасиб қўйгандек галати туюларкан. Шундай бўлгач, албатта басавлат бекатга ҳар томонлама чиroy ярашади. Унга бундай гузаллиқни эса албатта ободонлаштирувчилар, фаррошлар бахш этади. Лекин биз йўловчиларнинг ҳам бекатларнинг Батартиб ёки тартибсиз кўринишига эга бўлишида анча-мунча ҳиссамиз борлигини унутмаслигимиз керак.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Тошкент куранти яқинидаги бекатда бўлсангиз баҳри-дилнингиз очилади. Лекин ундан нари борса эзлик, юз метр узоқликда жойлашган, яъни эски тарих музейининг рўпарасидаги автобуслар тўхташ жойига келсангиз, бутунлай бошқа манзарани кўрасиз. Тўғри, бир ерда ҳам ахлат ташлаш мосламалар етарли. Лекин кўнчилик йўловчилар улардан деярли фойдаланишмайди. Чунки чиллаки чиллакани кўриб чумак

дям. Кенаси болаларни унинг уйда қолдириб, ижаламиз бизниқига келдик. Ёнимдаги қалити билан эшикларни очиб ичкари кирсам... Бўёғини айтишга тилим бормайди. Уша-ўша уйга қайтдим. Ота-онаимникида яшадик. Беш йил давомида эрим бирор марта қоллимиздан хабар олмади. Ҳатто болаларини келиб кўрмади. Кунчи кеча хат ташувчи қўлимга мана бу мактубни тўтқазиб кетди.

Аёл суммасидан хатжилд чиқариб менга узатди. "Ўқиб кўрин" деган хатни очиб ўқидим. Унда қуйдаги жумлалар ёзилган эди.

"Малоҳат, оғир аҳволда касалхонада ётибман. Уримдан туришга мадорим йўқ. Болаларни, сени соғиндим. Илтимос, мени кечиринглар. Ўз севган жуфти ҳалолини, пушти камаридан бўлган фарзандларини унутиб, нопок йўлларда юрган бандасини Худо ҳам кечирмас экан. Мен тавбаimg таяндим. Утинманан, йиллар ўтиб кўзи очилган мен ночор ўимсани ҳеч бўлмаса сизлар кечиринглар. Сени ва болаларнинг келишини зор-зор кутиб қолувчи Хикматжон."

Мактубни ўқиб ўйлаиб қолдим.  
— Бор гап шу, — деди Малоҳат жимликни бузиб. — Айтинг, нима қилай?  
Савол ўта қалтис эди. Шундай эсада мен аёлга харна бўлса ҳам эрини кечиршини маслаҳат бердим. Тўғри иш қилдиммикан?

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

уради-да. Қачонки, ёнидаги ҳамроҳи қўлидаги автобус чиптасини ёки папирос қолдигани дўч келган жойга алоқириб турганидан кейин у нима қилсин? Ҳозир унинг ахлат мосламалари кидириб юрсинми?

Энг ёмони, бу ерда пистахурларни кўпроқ учратасиз. Улар бемалол ёнидаги улфатлари билан сўхбатлаша туриб, писта чакки ўпиришадида, пўчоқларини эса ҳеч тортинмай дўч келган томонга ташлаверибди. Шўринг курур фаррошлар бир томонни тартибга солгунча иккинчи томон ифлослади туради. Шу ерда ҳам кўлаб пособларни ёки бекатга "ин" курган шивм хизматчиларини учратасиз. Қўзини шундаки, ҳеч бўлмаса улар бекатда тартиб сақлансин деган гапни айтишмайди, тартибузарларни оғоҳлантиришмайди.

Биз бу ўрнида бир-бирига яқин бўлган ақлида бекатчи мисол келтирдик холос. Аслида шахримиз бекатларини кезсангиз бунга яхши-ёмон ҳолатларга кўлаб дўч келасиз.

УНИ КЕЧИРАЙМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Тахририятимизга ўрта ёшли бир аёл киб келди.  
— Менга Зийрак бобо керак эдилар, — деб сўради ийманибгина.  
— Сиз истаган одам мен, хизмат, синглим!  
— Бир масала юзасидан олдингизга маслаҳатга келувдим.  
— Эшитайликчи.  
— Биласизми, сизга нима деб тушунтиришга ҳам ҳайронман. Турмуш кўрганимизга 10 йиллар ҳамаси бўлди. Очиги, биз ҳам ўзгалардек севиб, севишиб сўнг тақдир ипларини бир-бири билан боғлаганимиз.

Аёл бир зум жим қолди. Кўзларида беҳитиёр ёш ҳалқаланди. Ҳозирги тутиб олиши учун қўлига бир пиёла чай тутди.  
— Беш йил яхши яшадик. Бу орада икки ўғлимиз туғилди. Болаларимизга отасининг ўзи ном танлади. Оиламиз қатта бўлгани учун биз "дом" олиб ота ҳовлидан чиқиб кетдик. Мустанқ яшадик. Ораимиздаги тушунмовчиликлар шундан бошланди. Эрим кеч, гоҳо ярим кечада келадиган одат чиқарди. Сўраб-сўриштирсам, кимларнингдир тўйида бўлганлигини айтиб баҳона қилди.

Бир кунни мактабдош дугонам эримни бир аёл билан театрда қўл ушлашиб юрганлиги ҳақида билди. У оқимай-томизмай воқеани менга айтиб берди. Изига тушдим. Дам олиш кунни болаларни кийинтириб ойимникига кетадиган бўлдим.

— Ётиб қоламан, анчадан бери ота-онани кўрмадим. Агар хоҳласангиз кечкурун сиз ҳам бординг, дедим. У бир ўртоғиникида тўй борлигини айтиб, баҳона қилди. — Болалар билан чиқиб кетдим. Тўғри дугонаникига бор-

Бунга сиз нима дейсиз, азиз оқшомхон?

САҲОВАТ

Ўшанда бахтли ватандошларимиз Муборак Ҳаж зиёратига тараддуд кўришадиган кўзлар эди.

Сиддик ота бу йил Ҳаж сафарига отланганмиш, деган хабарни эшитиб, отани ҳам зиёрат қилай, ҳам сўхбатини олай деган мақсадда унинг ҳузурига бордим.

Ота 90 ёшни қоралаб қолган бўлса-да ҳали телик, бардам, бақувват эди. Шу вақтгача унинг ҳасса таянганини ҳеч ким кўрмаган. Яхши кўнларда отани йўқлаб кирган кишилар, қўни-қўшнилари, узоқ-яқин қариндош - уруғларни диллаб кутиб олар, самимий сўхбатлашарди. У кишининг одамоҳун, камбағалпарвар, меҳрибончилигидан кўнлар баҳраманд бўлган. Отаҳон керак бўлса муҳтожларга ҳатто олдидаги ошини ҳам тутишга қодир эканлигини ён атрофдагилар яхши билишарди.

У олти ўғлини тарбиялаб вояга етказган, фарзандларининг ҳаммаси ўқимшиш, турли лавозимда ишлашди. Неча йил бўлибдики, ўғиллар отани Ҳаж сафарига бориб келишга ундашди. Ота эса: "Болаларим, ёнимизда ҳар ночор оилалар бўла туриб, мен қанча пул сарфлаб Ҳажга борсам уларнинг гаши келмайдими, уларнинг хол-аҳволидан хабардор бўла туриб, мен Ҳожи ота бўлиб гердаиб қоришим Худога ҳуш келадими?" деб, уларнинг айтганларига унамайди.

Ҳайриятки, бу гал рози бўлибди. Отаҳон билан қўчоқлашиб кўришдик. Гапни Ҳаж сафаридан, қутлуг ниятни муборакбод қилишдан бошладим.  
— Э, йўқ, — деди отаҳон жиммайиб, — сафарни келгуси йилга қолдирик.  
— Сабаб?  
— Бир кам икки дунё-да бу, — гап бошлади Сиддик ота. — Тунов кунни тўсатдан ён қўшимшиш Халимжоннинг 30 ёшга кирган норғул ўғли юрак хурриждан вафот этиб қолди. Халимжон жўжабирдек жон. Қўлида ортыкча сармоясини йўқ. Нохуш хабарни эшитиб олдига чиксам, ночорлигини гапириб қолди. Унинг ҳолига ачиндимда, уйга кириб Ҳажга атаб қўйган сармоясининг бир қисминини олиб чиқиб унга бердим. Ахир Ҳадиси шарифларда ҳам зарур вақтларда муҳтожларга ёрдам бермоқ қатта савоб, бу нарса Ҳаж зиёратидан ҳам улғурроқ эканлиги бежиз айтилмаганку, — деди сўзининг охирида Сиддик ота.

Отанинг ҳимматига яна бир марта қойил қолдим. Қани энди ҳожиликни даъво қилаётган баъзи бир биродарларимиз ҳожилик амалларини олдин ўз юртида тўла-тўқис бажариб, кейин Ҳаж сафарига отланишса, нур устига нур бўларди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**АЗИЗ**  
**ЮРТДОШЛАР!**  
**1 апрелдан 1 майга**  
қадар республикаимиз ҳудудида  
"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Сизларни ушбу ҳайрли тадбирда фаол иштирок этиб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишингизни сўрайди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**  
республика бирлашмаси  
*Тошканбой Эгнатбердиев номидаги*  
*Тошкент Давлат цирки*  
2005 йил 18 мартдан  
**Диққат! Диққат!**  
КУТИЛМАГАН ВОКЕА  
Тошкент Давлат циркида  
П А Р И Ж - Т О Ш - К Е Н Т — ИСПАНИЯ  
транзит йўли асосида жаҳонда ягона РЕВЮ МУЗ ШОУ-СИНИ  
18 мартдан бошлаб томоша қилишга  
шошилинг  
Цирк кассаларида хозирча чипталар бор.  
Жума, шанба, якшанбада  
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз  
Келганингиздан афсусланмайсиз!!!  
Томошаларга жамоаб бўлиб келиш учун  
буортмалар қабул қилинмоқда.  
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.  
Ҳаж турли шаклда тўланиши мумкин.  
Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.  
**Маълумотлар**  
учун телефонлар:  
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 325«а»-уйда жойлашган «KREDO» адвокатлик бюроси номига берилган гувоҳнома Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Ҳайъат қарорига асосан  
**БЕКОР ҚИЛИНДИ**

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажини — 2 босма табоқ оғирет  
узеллида босилган.  
3868 нусxada босилган. Қўроқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент поштамтнга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.